



ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РЕСУРСЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ



Дусанов Салим Мамарасулович

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Мустақил тадқиқотчи,
e-mail: msalimd@mail.ru

Аннотация: Мақолада таълим тизимида молиялаштириш ҳолати, муаммолари ҳамда унинг самарадорлиги кўрсатиб ўтилган. Олий таълим муассасаларида таълим сифатида оширишда молиявий ресурсларнинг аҳамияти ва уни тасарруф этиш юзасидан таҳлилий ёндашувлари ўрганилди.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, молия, таълим ва таълим сифати, молиявий ресурслар, таълим муассасасининг молиявий ҳисоботи.

КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатимизда кечаётган кенг қўламли ислохатлар замирида, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли фаромонлигини ошириш каби жиддий мақсадлар сари қадамлар қўйилмоқда. Шу ўринда таълимнинг барча босқичлари ва фаолият йўналишларида янгиликлар, ислохатлар ва шакллар ўзгаришига гувоҳ бўлинмоқда. Миллий иқтисодиётда қолаверса, таълим тизимида молиявий ресурслар ҳажми ва миқдори сўнги йилларда сезиларли даражада ошди. Таълим ва молия, бу категориялар ўзаро бир бири билан боғлиқ жиҳатлари, бир бирини тўлдирадиган нуқталари кўп. Таълим ва молия борасида гап кетганда, таълимга йўналтирилган молиявий ресурслар қандай, қанча самара берди яъни таълимга йўналтирилган инвестициялар ўзини оқладими, мўлжалланган мақсадларга эришилдими деган бир қанча масалалар вужудга келиши билан барча тадқиқотчиларни ўзига жалб этади. Молия, таълим ва таълим сифати категорияларни ўзаро узвий боғлиқликда тадқиқ этиш долзарб масалалар сирасида турибди.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.

Миллий иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг корреляцион ёндашувлари АҚШлик иқтисодчи олимларга ҳам хос бўлиб, жумладан, Эдвард Ф. Денисон

таълимнинг ишчи кучи сифатида намоён бўлган иқтисодий аҳамияти ғоясини илгари сурган¹.

Сўнги йилларда таълим сифати, унда мавжуд молиявий ресурслар самарадорлиги муаммоси жуда жадал равишда ривожланмоқда, чунки бу меҳнат бозори салоҳиятини оширишнинг асосий манбаларидан бири сифатида иқтисодиётни ва таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнига боғлиқдир. Таълим самарадорлигининг услубий ёндашувлари бўйича россиялик иқтисодчи олимлардан В.Антропов, А.Дайновский, В.Жамин, В.Зуев, С.Костанян, В.Клочков, Е.Липкина ва америкалик иқтисодчи олимлар Э.Денисон, Ф.Шулс ва бошқаларнинг ишларида тўхталиб ўтилган².

Сўнги йилларда республикамизда бозор муносабатлари шароитида таълим хизматларини бошқариш, соҳада маркетинг тадқиқотлари каби йўналишларда муносиб илмий изланишлар олиб борган муаллифлар сифатида С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Ю.Ҳодиев, А.Ш.Бекмуродов, М.Х.Саидов, У.А.Бурханов, С.М.Бузрукхонов, А.В.Ваҳабов, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, А.Шеров ва бошқаларни³ кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ўрганилаётган муаммо юзасидан чоп этилган илмий тадқиқотлар, бажарилган докторлик ва номзодлик диссертациялари, асосан, менежмент ва маркетинг ихтисослиги бўйича бўлиб, мавзунинг назарий-услубий жиҳатлари умумлаштирилган ва ривожланиш қонуниятлари таҳлил қилинган илмий ишлар деярли йўқ. Натижада таълим тизими ва ундаги молиявий ресурсларнинг самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари тадқиқ этилиши, уни диверсификациялаш, соҳада рақобат муҳити шарт-шароитларини янада кучайтириш, самарадорлигини аниқлашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш масалалари долзарблигича қолмоқда. Айниқса, масалага миллий иқтисодиёт нуқтайи назаридан, талаба ва аҳоли кенг қатламлари ҳамда минтақавий нуқтайи назаридан замонавий фундаментал-инновацион характердаги иқтисодий тадқиқотларни ташкил этишгача бўлган узлуксиз олий таълим тизими сифатида ёндашув амалга оширилмаган.

Шу билан бирга, иқтисодиётдаги инновацион ёндашув шароитида олий таълим тизимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосларини такомиллаштирилиши ҳамда назарий жиҳатдан янада кенгроқ ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларининг молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш усуллари такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Таҳлил ва натижалар:

Таълим тизимида ва таълим ташкилотларида молиявий ресурслар самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва услублари руйхатини шакллантириш

¹ Домбровский Р.Л. Организация управления функционированием и развитием сложных экономико-производственных объектов : дис. ... докт. экон. наук. - Львов, 1992. - 298 с.

² Ушбу олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

³ Ушбу олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

масаласи, умуман олганда, таълим ташкилотларида молиявий ресурслар самарадорлиги масаласи билан бирга ўрганиладиган бир тоифага мансуб. Таълим ташкилотлари фаолияти тоифаси ва босқичлари кўп ўлчовли бўлганлиги муносабати билан, уни баҳолаш масаласи ҳам муаммонинг кўп мезонли эканлигини кўрсатади.

У ёки бу тарзда самарадорликни баҳолашнинг асосий услубий ёндашувлари қуйидагилардан иборат:

Мезонларни шакллантириш ва таълим муассасалар самарадорлигини баҳолашга бағишланган замонавий тадқиқотлар орасида *мақсадга йўналтирилганлиги, баҳолаш воситалари ва объектлари* тўплами билан фарқ қилувчи бир нечта турдаги услубий ёндашувлар мавжуд.

Ушбу ёндашувларнинг *биринчиси* таълимга йўналтирилган бюджет маблағлари харажатлари самарадорлигини баҳолаш: стратегик мақсадларга эришиш даражасини таҳлил қилиш, таълим муассасасининг бюджет харажатларининг режалаштирилган даражаси доирасида тактик вазифаларни ҳал қилиш, ҳақиқий харажатларнинг режалаштирилган даражасига мувофиқлиги, ҳисобот йилидаги кўрсаткичларининг бу йилги режалаштирилган кўрсаткичларнинг бу йилги режалаштирилган кўрсаткичлардан четланишларини таҳлил қилиш ва оғиш сабабларини асослаш.

Айни пайтда бундай баҳолаш учун асосий манба таълим муассасасининг молиявий ҳисоботидир. Ушбу ёндашув республика ва минтақавий таълим муассасасиларга нисбатан қўлланилади, чунки улар бюджетдан молиялаштирилувчи таълим муассасасилар саналади. Бундай баҳолаш зарурияти, аввало, таълим муассасасининг ўзи эмас балки унинг фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, балки бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишига йўл қўймаслик вазифаси билан асосланади.

Бугунги кунда республикада таълим муассасасиларга йўналтирилган бюджет маблағлари иқтисодий самарадорлигини таҳлил қиладиган ва баҳолаш бўйича услубий тавсиялар таклиф қиладиган ваколатли орган мавжуд эмас. Бироқ иқтисодий самарадорлик нуқтаи назардан олиб қараганда таълим муассасасига сарфланган бюджет маблағларини икки позицияда баҳолашни тавсия қилардик: макроиқтисодий бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлиги ва микроиқтисодий стратегик бошқариш муваффақияти нуқтаи назаридан баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Мазкур методологик тавсияга кўра, баҳолашнинг асосий йўналиши натижаларга эришишни баҳолаш, стратегик ва операцион режалаштириш сифатини баҳолаш, молиявий бошқарув сифатини баҳолашга қаратилиши лозим. Натижаларга эришишни баҳолашнинг асосий йўналишлари бўлиб, стратегик мақсадлар кўрсаткичларига эришиш даражасини таҳлил қилиш, харажатларнинг режалаштирилган даражасига мувофиқлик даражасини таҳлил қилиш, мақсадларга эришишни тавсифловчи кўрсаткичларнинг режалаштирилган ва ҳақиқий қийматига номувофиқлигини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда асослаш талаб этилади. ОТМ самарадорлигини баҳолашнинг навбатдаги ёндашуви бу иқтисодий субъект сифатида ОТМ нуқтаи назаридан баҳолаш, шу жумладан, унинг

тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш саналади. Ўқув юртларининг иқтисодий самарадорлигини балансли баллар тизимидан фойдаланиш тўғридан-тўғри уларнинг бошқарув амалиётида стратегик бошқарув тизимини жорий этиш билан боғлиқ бўлган жараён саналади.

Балансланган кўрсаткичлар тўплами Гарвард бизнес мактаби профессори Роберт Каплан ва “Balanced Scorecard Collaborative” компанияси раҳбари Девид Норт⁴ томонидан 1992 йилда таклиф қилинган. Улар анъанавий молиявий кўрсаткичлар узоқ муддатли бизнес қийматини яратишга халақит берадиган бизнес натижаларининг тугалланмаган ва эскирган кўринишини тақдим этишини исботлаб берди. Молиявий кўрсаткичларни мижозлар эҳтиёжини қондириш, ички иш жараёнларини акс эттирувчи маълумотлар билан тўлдиришни таклиф қилган. Балансланган баллар тизими ташкилотнинг вазифаси ва умумий стратегиясини аниқ белгиланган мақсадлар ва вазифалар тизимига, шунингдек, тўртта асосий проексияларга гуруҳланган ушбу объектларнинг эришилиш даражасини белгиловчи кўрсаткичларга айлантиради: “молия”, “мижозлар”, муайян иерархик тартибда жойлаштирилган “ички жараёнлар” ва “инфраструктура/ходимлар”.

Ҳар бир проексия мақсадларини таҳлил қилиш қуйидаги асосий саволларга жавоб беришга имкон беради. Қайси ташкилот ўз акциядорлари ва потенциал инвесторларига тақдим этилади (истикқболли “молия” қайси ташкилот ўзини мижозларига тақдим этади (мижозлар нуқтаи назари). Ташкилот қандай иш жараёнларини такомиллаштириши керак, қайси жараёнларга эътибор қаратиш керак (жараёнлар истикқболи). Ташкилот қандай ресурслар билан Ўсишда давом этиши ва фаолиятини яхшилаши мумкин (инфраструктура/ одамлар истикқболи).

Балансли баллар жадвалидан фойдаланиш, агар ташкилот ўзининг кучли ва кучсиз томонлари, мавжуд бозор конъюнктураси тўғрисида обектив хабардор бўлса, бунинг асосида ташкилот ривожланишининг вазифаси ва стратегик устуворликлари ишлаб чиқиши мумкин. Таълим тизимининг босқичларининг кўплиги ва фаолият доирасининг кенглигини инобатга олган ҳолда қуйида олий таълим ташкилотларида молиявий ресурслар самарадорлиги масаласига тўхталиб ўтамиз. Хусусан, ОТМларга нисбатан балансли карталар ёндашувини ишлаб чиқиш, бизнингча М.В.Ниязова томонидан таклиф этилган бюджетдан ОТМларининг тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш методологияси деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу муаллиф ўз тадқиқотида тегишли кўрсаткичлар тизимини таклиф қилган.

Ушбу кўрсаткичли тизимнинг асосий ғояси тартибсиз тизимланган кўп параметрли баҳолаш моделлари тўпламини тўрт даражаси модел билан алмаштиришдан иборат бўлиб, у маълум даражада мавжуд мезонлар, кўрсаткичлар ва хусусиятлар тизимини мувофиқлаштиришга қаратилган.

⁴ Организационно-экономический механизм региональных систем высшего образования / Зуев В.М., Воронин А.А., Джалалов С, Пусев В.И.; под общ ред. А.Я. Савелева. - М.: НИИВО, 1995. - 86 с.

1-чизма

ОТМлар тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги тизими кўрсаткичлари⁵

ОТМлар самарадорлигини баҳолаш бўйича Н.В.Панкова⁶ бошқача нуқтаи назарни илгари сураган. Унинг нуқтаи назарига кўра, ОТМлар бу юқори касбий таълим тизимидаги замонавий ўзгаришларга боғлиқ, илмий ва ўқув муассасаси сифатида ташкил этилган таълим муассасаси фаолияти мунтазам равишда даромад олишга йўналтирилмаганлигини инобатга олган ҳолда қуйидагича хулоса қилади "...ўз фаолиятини тижоратлаштириш мақсадга мувофиқ эмас, оқилона чегараларга эга бўлиши ва фақат таълим муассасаси олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши керак".

⁵ Tahliliy materiallar asosida muallif ishlanmasi.

⁶ Платонова Н.А., Мерзлова М.П., Качурина М.М. Зарубежный и отечественный опыт взаимодействия профессионального образования и рынка труда. - М.: Изд-во «Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 2008. .

Шу билан бирга, молиявий ўзини таъминлаш даражаси таълим муассасасининг қобилияти ўзи ҳамда унинг фаолиятини тижоратлаштириш деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бир қаторда мавжуд эҳтиёжларни қондириш, шунингдек, келажакдаги эҳтиёжларини башорот қилиш ва шакллантириш маълум бир ташкилий ва таркибий шаклда амалга ошириладиган ва ўзига хос иқтисодий таркибга эга бўлган илмий ва бизнес-жараён сифатида қаралиши мумкин. ОТМлар фаолиятининг тижорат нуқтаи назаридан самарадорлиги молиявий ўзини ўзи таъминлаш кўрсаткичи билан белгиланадиган тижоратлаштириш қобилиятига тенглаштирилган. Ушбу позитсиялар асосида Н.В.Панкова ОТМ ва унинг кафедраларини тижоратлаштириш имконияти мезонлари тизимини таклиф қилади.

Мазкур ёндашув бўйича ОТМ ўзини ўзи таъминлайдиган мустақиллиги қуйидаги формула орқали белгиланади.

$$ДП_{пс} > З_{от} + З_{оо} + З_{ам} + З_{ауп} + З_{пр} + З_{оп} + З_{р}(1)$$

бу ерда ДП – барча молиялаштириш манбаларидан келиб тушган маблағлар миқдори.

$Z_{от}$ – ишларни бажарадиган ходимлар иш ҳақи;

$Z_{оо}$ – ускуналарга техник хизмат кўрсатиш харажатлари;

$Z_{ам}$ – илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг моддий таъминоти билан боғлиқ харажатлар;

$Z_{пр}$ – илмий тадқиқот натижасида олинган натижалар ва илмий техник маҳсулотларни бозорда танитиш билан харажатлар (маркетинг тадқиқотлари, реклама ва кўргазма, нашриёт);

$Z_{ауп}$ – маъмурий ва бошқарув хизматлари билан боғлиқ харажатлар;

$Z_{оп}$ – бино ва иншоотларни сақлаб туриш харажатлари;

$Z_{р}$ – моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (ускуналар сотиб олиш, лабораториялар ва илмий-тадқиқот базасини қуриш, ахборот коммуникациялар тизими).

Алоҳида таркибий бўлинманинг молиявий ўзини-ўзи таъминлаш даражаси (2).

$$ДП_{пс} > З_{от} + З_{оо} + З_{ам} + З_{ауп} + З_{пр} < ДП - (З_{оп} + З_{р})$$

Таълим муассасаси таркибидаги таркибий бўлинмаларнинг молиявий ўзини ўзи таъминлаш даражаси (3).

$$ДП_{пс} > З_{от} + З_{оо} + З_{ам} < ДП - (З_{ауп} + З_{пр})$$

табиийки, ушбу ёндашув таълим муассасаси фаолиятида мақсадли бозор Кўрсаткичлари бўлмаган тақдирда ҳам самарадорликни баҳолаш воситаси бўлиши мумкин эмас. Даромаднинг олий ўқув юрти харажатларидан ошиб кетиши, бизнинг фикримизча, ҳар қандай сифат Кўрсаткичларини акс эттирмайди, чунки олий ўқув юртининг самарадорлигини нафақат ижтимоий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам баҳолаш мумкин эмас. Бу ҳар қандай олий ўқув юртининг фаолият мазмуни ва мақсадларининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

С.Р.Демидов ОТМ самарадорлигини аниқлашга бўлган ёндашувига мувофиқ, уни баҳолаш учун тегишли методикани ҳам таклиф этган⁷. Ушбу методология

⁷Долятойский В.А., Мелешко Е.Н. Качество подготовки специалистов как фактор устойчивого развития экономики // Образование – основа устойчивого развития России. - Екатеринбург: УрЭУ, 1999.

интеллектуал маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳақиқий ҳажми, ОТМнинг интеллектуал маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талаб, ОТМнинг ихтиёрида қоладиган харажатлардан даромадларнинг ҳақиқий ва меъёрдан ортиқлиги каби Кўрсаткичларнинг нисбатларини баҳолашга асосланган. Бунда интеллектуал маҳсулотлар яратиш ва сотиш учун ресурсларнинг ҳақиқий ва стандарт умумий харажатлари инобатга олиниши лозим.

Ушбу муаллифнинг фикрига кўра, даромадларнинг харажатлардан ошиб кетиши молиявий натижаларнинг асосий ўлчови ва ОТМ иқтисодий фаолиятининг мутлоқ самарадорлигининг кўрсаткичидир.

Таклиф этилаётган методологияга кўра, мезонни шакллантириш учун самарадорликнинг маълум бир кўрсаткичини (кўрсаткич гуруҳини) танлаш ОТМнинг маълум бир давр учун танлаган иқтисодий мақсадига боғлиқ. Шундай қилиб, ОТМга стратегик мақсадларга қараб ишлаш мезонларини эркин танлаш имконияти берилади. Шунингдек, иш мақсадли ва иқтисодий таркибий қисмларни ўз ичига олган ОТМ самарадорлигини сарҳисоб қилишга ҳаракат қилинади.

Муаллифнинг фикрига кўра, ОТМ фаолияти мезонининг консентуал модели "... интеллектуал маҳсулотларнинг жисмоний ҳажмида бозор мижозларининг қониқиш даражаси" ва "... умумий харажатларнинг ҳақиқий рентабеллигини меъёрий (базавий) қийматдан четланиш даражаси" билан изоҳланади. ОТМ самарадорлигини тақдим этилган баҳолаш билан биргаликда муаллиф таълим муассасасининг молиявий барқарорлигини белгиловчи Кўрсаткичларини ўрганиб чиқади. Бизнинг фикримизча, ушбу услубий ёндашув ўзига хос эмас, чунки унда аниқ белгиланган ишлаш мезонлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, муаллиф томонидан ишлатилган асосий параметрлар жуда соддалаштирилган, рентабелликни баҳолаш учун амалда қисқартирилган ва ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди.

И.В.Мещерякова⁸ томонидан ОТМ самарадорлиги бўйича таклиф этилган ёндашув услубий жиҳатдан қизиқарли. Ушбу муаллифнинг "ОТМ фаолияти" тоифасининг мазмуни бўйича илгари кўриб чиқилган позитсиясига кўра, ОТМ фаолиятининг самарадорлиги даражаси баҳолаш натижаларининг мақбул ҳолатга яқинлиги сифатида баҳоланади. Бунинг учун муаллиф ОТМ фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ажралмас кўрсаткичи- E_{edy} жорий этади ва самарадорликни баҳолаш учун интеграл кўрсаткич қийматини баҳолаш учун у қуйидаги формулани таклиф этади:

$$E_{edy} = \omega * K_{edy} + (1 - \omega) * H_{edy}$$

K_{edy} – бу ОТМнинг ташқи муҳитдаги фаолияти самарадорлигини (унинг рақобатбардошлигини) тавсифловчи кўрсаткичдир;

H_{edy} – бу ОТМ фаолиятининг ички муҳитдаги самарадорлини тавсифловчи кўрсаткич;

ω –бу ОТМнинг ташқи муҳитга боғлиқлик даражасини акс эттирувчи тортиш коэффициентсиенти.

⁸ <http://www.quality.rags.ru/>

Амалга оширилган инсон капитали қийматининг ошиши сифатида ОТМ самарадорлигини тушуниш нуқтаи назаридан И.В.Мешерякова ОТМ фаолияти самарадорлигининг қуйидаги бир қатор умумлаштирилган натижавий параметрларини таклиф қилган.

1. ОТМ фаолиятининг миллий иқтисодий самарадорлиги:

$$E_{\text{масро}} = \frac{\sum_{1}^N \Delta \Pi^{\text{вп}}}{3}$$

$\sum_{1}^N \Delta \Pi^{\text{вп}}$ – Йил учун ўртача миқдорни тавсифловчи кўрсаткич ишлаб чиқарилган қўшимча қийматнинг ошиши (сўнги n йил ичида битирувчиларнинг барча гуруҳлари учун), рубл (ўтган ҳисобот йилининг битирувчилари учун касбий маълумотга эга бўлмаган ходимнинг саноат ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги асос сифатида қабул қилинган);

$3 - 1$ талабани ўқитиш учун ўртача йиллик харажатлар (сўнги n йил ичида), рубл

n – битирувчининг маълум бир ОТМда ўқиган ўртача (барча битирувчи гуруҳлар учун) даври, йиллар.

2. ОТМ ўқув фаолиятининг шахсий самарадорлиги $E_{\text{инд}}$:

$$E_{\text{инд}} = \frac{\sum_{1}^N \Delta C/T}{1}$$

$\sum_{1}^N \Delta T$ – Йил учун ўртача миқдорни тавсифловчи кўрсаткич иш ҳақи қийматининг ўсиши (сўнги n йил ичида битирувчиларнинг барча гуруҳлари учун), рубл (ўтган ҳисобот йилининг битирувчилари учун, касб-ўунар таълими бўлмаган ходимнинг ўртача ўртача йиллик иш ҳақи);

$C - 1$ талабани ўқитиш, ўртача нархни тавсифловчи кўрсаткич (сўнги n йил ичида) рубл; n – ўртача ҳақиқий (барча гуруҳлар учун) битирувчилар маълум бир ОТМда битирувчиларнинг ўқиш даври, йиллар.

3. Таълим хизматлари бозорида ОТМнинг рақобатбардошлик даражаси $K_{\text{еду}}$ миллий иқтисодиётнинг ўртача тортилган қиймати сифатида ҳисобланади, соҳадаги максимал кадриятларга нисбатан ОТМнинг таълим фаолияти самарадорлиги ва шахсий самарадорлиги:

$$K_{\text{еду}} = (1-m) * \frac{E_{\text{масро}}}{\text{Мах} \{ E_{\text{масро}} \}} + \frac{E_{\text{инд}}}{\text{макс} \{ E_{\text{инд}} \}}$$

$\{E_{\text{масро}}\}$ – бу миллий иқтисодий самарадорликнинг максимал қийматини тавсифловчи кўрсаткич (иш берувчи ҳисоб-китобларига кўра ОТМнинг энг яхши 10 рейтингига киритилган шу каби мутахассислик бўйича мутахассисларни тайёрлайдиган барча ОТМлар учун) $\text{макс} \{ E_{\text{инд}} \}$ – шахсий самарадорликнинг максимал қийматини тавсифловчи кўрсаткич (шу каби мутахассислик ОТМ битирувчилари муваффақиятининг энг яхши 10 рейтингига киритилган ОТМлар учун);

m – ўқиш харажатларини тўлиқ қоплаган талабаларнинг ўртача йиллардаги улуши, n йил давомида ОТМ талабаларининг умумий сониди.

И.В. Мещерякованинг фикрига кўра, ОТМ фаолияти самарадорлигини миллий иқтисодий ва шахсий деб ажратиш, шунингдек, уларнинг ОТМнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичига қўшган ҳиссасини ўртача тортилган баҳолаш тижорат, давлат ва аралаш молиялаштириш ОТМларини таққослашга имкон беради. Ушбу ёндашув аҳамиятга эга, аммо уни ўтиш даври ёки бақарорлик даврида ҳар қандай расмийлаштирилган усул каби бир қатор чекловлар мавжуд. Муаллиф ўзи меҳнат нархининг иқтисодий бўлмаган шаклланиши шароитида усул ишламаслигини таъкидлайди, чунки унга киритилган баъзи бир мезон қиймати, яъни умумий меҳнат унумдорлигининг ўзгариши таълим даражасининг ўсиши, бозор қонунларига мос келмаслиги ва тескари ўсишга эга бўлишини кўрсатади.

Ташқи самарадорликдан ташқари, ушбу иш ОТМнинг ($H_{e,dy}$) ички самарадорлигини ҳам баҳолайди. Ички самарадорлик ОТМнинг ўзини ўзи бошқариш, таъминлаш ва молиявий ресурсларни кўпайтиришга бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, у ОТМ мутахассисларни тайёрлаш харажатларини қанчалик қоплаганлигини ва бошқа жиҳатларини ўзида намаён этади.

И.В. Мещеряков⁹ ОТМнинг ички самарадорлигини аниқлаш бўйича қуйидаги боғлиқликни таклиф қилган.

$$H_{e,dy} = \beta_1 \cdot A_H + \beta_2 \cdot B_H + \beta_3 \cdot C_H + \beta_4 \cdot D_H + \beta_5 \cdot P_H + \beta_6 \cdot G_H + \beta_7 \cdot L_H + \beta_8 \cdot X_H + \beta_9 \cdot W_H$$

Бунда вазн коэффитсенти (β_{1-9}) ҳар бир қуйи тизим ОТМнинг ички самарадорлигига таъсир даражасини акс эттиради. Кичик тизимлар шароитида ОТМ фаолиятининг турли хил турларини тавсифловчи Кўрсаткичлар ($A_H - W_H$) И.В. Мещеряков томонидан таклиф қилинган усуллар қуйидаги схема бўйича аниқланади:

1. ОТМ фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини акс этирувчи қуйи тизимлар ажратиб кўрсатилган;
2. Танланган Кўрсаткичлар ажратилган қуйи тизимлар ўртасида тақсимланади;
3. Ажратилган самарадорлик қуйи тизимларининг ҳар бири учун ҳисобланган кўрсаткичнинг танланган қуйи тизим учун самарадорлик кўрсаткичига таъсир даражасини кўрсатадиган ОТМнинг фаолияти оғирлиги ўрганилади;
4. Ҳар бир қуйи тизим учун кўрсаткичлар сони қатъий эмас, тартибга солинган. Бу ОТМнинг ўзига хос хусусиятларига, статистик базасининг тўлиқлилигига ва бошқа шартларга боғлиқ бўлиши мумкин.

И.В. Мещеряков фикрига кўра, ОТМ фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий қуйи тизимларига қуйидагилар киради: ОТМ маъмурияти фаолияти самарадорлиги; ОТМ стратегиясини яратиш ва амалга ошириш самарадорлиги; ОТМ кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги; ОТМ ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги; ОТМ ички жараёнларининг самарадорлиги; ОТМда мутахассисларни тайёрлаш сифат менежменти тизимининг самарадорлиги; ОТМ ходимларини рағбатлантириш тизимининг самарадорлиги; ОТМнинг ижобий обрўси ва обрўсини яратиш ва сақлаш тизимининг самарадорлиги; ОТМнинг иқтисодий самарадорлиги¹⁰.

⁹ <http://www.quality.rags.ru/>

¹⁰ <http://www.quality.rags.ru/>

Бизнинг фикримизча, ушбу техникадан фойдаланганда натижаларнинг бир-бирини тўлдиришига олиб келадиган ва шу билан ҳақиқий ҳолатни бир оз ўзгартирадиган жиҳатлари мавжуд. Бундан ташқари, муаллиф ҳар бир қуйи тизимнинг ички таркиби учун тўлдиришни таклиф қилмаган, бу эса ушбу ёндашув қийматини сезиларли даражада пасайтиради. ОТМлар фаолиятининг индивидуал элементлари ва йўналишларини жумладан, унинг иқтисодий барқарорлиги ва эркинлигини баҳолаш, олий таълим субъектлари ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро таъсир самарадорлигини баҳолашда ҳанузгача турли хил ёндашувлар мавжуд. Фикримизча, самарадорликнинг ажралмас таркибий қисми ва баҳолашнинг энг услубий таъминланган йўналиши сифатида расмий равишда тасдиқланган таълим сифатини мониторинг қилиш усуллари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

Таълим тизимини молиялаштириш хусусан олий таълим муассасаларини молиялаштириш истиқболларида қуйидаги хулосалар ва таклифларни келтириб чиқаради.

1. ОТМни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш бевосита ташкилотлардан ва фуқаролардан турли хил давлат молиявий рағбатлантириш воситаларидан ва дастакларидан фойдаланишни ҳамда қўллашни тақозо этади: жумладан, бюджет субсидиялари жорий этиш, субвенциялар, грантлар, солиқ имтиёзлари ва бошқалар.

2. Ўзбекистон олий таълим тизимини модернизация қилиш концепцияси давлат стандартларини ва ўқув жараёни учун зарур шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда норматив бюджет маблағлари харажатларини кўпайтиришни назарда тутди; амалга оширилаётган таълим дастурларининг моҳиятини акс эттирувчи бюджетдан молиялаштиришнинг табақалаштирилган стандартларини ишлаб чиқиш, илмий концепциясини яратиш, молиялаштириш стандартларининг илмий асосланган методологиясини қабул қилишни ўз ичига олади.

3. Мамлакатда мавжуд бўлган олий таълимни молиялаштириш тизими, худди олий таълимнинг ўзи сингари, жиддий янгиланишга муҳтож. Бугунги кунда олий таълимнинг, асосан, экстенсив ривожланиши унинг ресурс базасини шакллантириш. Молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича муқаррар қарорлар чиқарилиши ва мавжудлари қайта кўриб чиқилиши талаб этилади.

4. Бугунги кунда олий таълим тизими олдида турган муаммолардан бири, талабалар сони тез ўсишининг молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятидан устунлигидир. Шу сабабли бу каби ҳолатда ўқув тўловлари жорий қилинади ёки оширилади ва уларнинг умумий таълим харажатларини молиялаштиришдаги улуши ортади. Мавжуд молиявий ресурслардан фойдаланишда ОТМларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, хусусан, ОТМларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилган харажатлар сметасида жорий йилда фойдаланилмаган маблағларини ОТМларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига ўтказиб бериш лозим. ОТМларга молиявий активларга эга бўлиш имконияти ва уларни кўпайтириш ҳамда улардан даромад олишлари бўйича зарур шарт-шароитлар яратиб бериш бугунги кун талабларидан бири саналади. Бюджет

маблағларидан фойдаланишда ҳуқуқлар ва масъулият, шунингдек, ОТМларнинг ижтимоий миссиясига кўпроқ мос келадиган мақомни қидиришда мослашувчанлик зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. /Халқ сўзи, 2020 йил, 25 январь. -3 б.
2. Ключков В. В. Экономика образования: иллюзии и факты. М.: Мысль, 1985. 176 с. Маршалл А. Принципы экономической науки. –М.: Прогресс, 1993. с. 267., Salvatore D. International Economics. –London: Prentice - Hall, 2004. p. 840.
3. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332., Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. –М.: Прогресс, 1993. с. 292.,
4. С.Г.Струмилин. Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: Автореф. дис. докт.экон. наук (08.00.05). – СПб., 2002. – 41 с.
5. К.В.Якушева Методические рекомендации по расчету нормативов бюджетного финансирования образовательных учреждений. – М.: Новая школа, 1995. –64 с, Система финансирования образования: анализ эффективности / Под ред. С.А. Белякова. – М.: Технопечать, 2003. – 182 с. Х.Воссенштейн Финансовое напряжение: тенденции финансирования высшего образования и политический курс в ситуации ограниченных средств // Университетское управление: практика и анализ. 2003. № 3(26). – С. 51-60.
6. Ушбу олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.
7. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5847-сон фармонида.
8. Домбровский Р.А. Организация управления функционированием и развитием сложных экономико-производственных объектов : дис. ... докт. экон. наук. - Львов, 1992. - 298 с.
9. *www.lex.uz* миллий қонунчилик базаси. <https://lex.uz/docs/5841063>.
10. Ваҳабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. – Т.: Шарқ, 2003.
11. Ваҳабов А.В., Имамов Э., Солиев А., Туляходжаева М., Хусанова Н., Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации,-Т., 2007.
12. Абдурахмонов Қ.Х., Жумаев Н.Х. Человеческое развитие (автор. колл.). Учебник./Под общей редакцией – Т.: Фан ва технология, 2012. – 376 с.
13. Абулқосимов Х.П., Алимова Г. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар: 2013 й. Электрон манба: <http://www.biznesdaily.uz/ru/birjaexpert/15405-ozbkistonda-ijtimoiy-soharivojlanishi-erishilgan-natijalar-va-stiqbol-yonalishlar>
14. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш . – Тошкент, 2010.

Copyright © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

